

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.І.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**ИСЛАМОВА РИСОЛАТ АБДУЛЛАЕВНА**

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛИ ХУДУДЛАРДА ЭКОЛОГИК  
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.05 –Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.1.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**ИСЛАМОВА РИСОЛАТ АБДУЛЛАЕВНА**

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛИ ХУДУДЛАРДА ЭКОЛОГИК  
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.05 –Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**ИСЛАМОВА РИСОЛАТ АБДУЛЛАЕВНА**

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛИ ХУДУДЛАРДА ЭКОЛОГИК  
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.05 –Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**УДК: 33.338.3(57**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in economic sciences**

**Исламова Рисолат Абдуллаевна**

Эркин иқтисодий зонали ҳудудларда экологик туризмни  
ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини  
такомиллаштириш ..... 5

**Исламова Рисолат Абдуллаевна**

Совершенствование организационно-экономических механизмов развития  
экологического туризма в свободных экономических зонах ..... 29

**Islamova Risolat Abdullaevna**

Improvement of organizational and economic mechanisms for the development  
of ecological tourism in regions with free economic zones..... 53

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 57

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.1.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**ИСЛАМОВА РИСОЛАТ АБДУЛЛАЕВНА**

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛИ ХУДУДЛАРДА ЭКОЛОГИК  
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Iqt324 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мурадова Нодира Қуллиевна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ҳамидов Обиджон Ҳафизович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (998 66) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел. (998 66) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Э.Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

**Н.Э.Ибадуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

**М.М.Мухаммедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Туризмнинг асосий турларидан бири экологик туризмдир. Бу соҳа бошқа туризм турларига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Жаҳон туристик ташкилоти маълумотиغا кўра, экотуризм жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган туристик соҳаларидан бирига айланди. Бугунги кунда эркин иқтисодий зоналари мавжуд ҳудудларда ҳам туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Халқаро ташкилотлар берган маълумотларга кўра дунёда 3,5 мингдан зиёд эркин иқтисодий зоналар бўлиб, улар 140 тага яқин мамлакатда жойлашган. Бутун дунёдаги эркин иқтисодий зоналарда 70 миллионга яқин ишчилар меҳнат қилади”<sup>1</sup>. Жаҳонда экологик туризмнинг ривожланиши мамлакатимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки туризмни иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айлантириш бўйича бир қанча давлат ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Уларнинг асосий мақсади – мамлакатимизга кўплаб хорижий туристларни жалб қилиш, туризм тадбиркорлигини даромадли тармоқдан бирига айлантириш, мутахассис кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, рақобатбардош ва кучли туризм соҳаси билан жаҳон бозорига чиқишдан иборат.

Жаҳонда туризм хизматларининг, шу жумладан экологик туризмнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш, уни модернизация ва диверсификация қилиш, экотуристлик ресурслардан самарали фойдаланиш борасидаги илмий изланишларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, экологик туризмни самарали соҳага айлантириш, туризмни дунё халқларининг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилашга қаратиш, экологик туризмдан одамлар саломатлигини тиклаш ва дам олишни бирга ташкил қилишда фойдаланиш, шу асосда экологик туризмни яхлит тизим сифатида шакллантириш, ушбу соҳани замонавий талаблар даражасида ривожлантириш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аммо эркин иқтисодий зонали ҳудудларда экологик туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг объектив зарурлиги, мазкур масалаларни тадқиқ қилишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жаҳон туризм ташкилотининг аъзолигига қабул қилиниши мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун яна бир имконият бўлди. Чунки, ушбу соҳа иқтисодиётнинг етакчи соҳаларидан бирига айланиши кўзда тутилган. Жумладан, “туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш”<sup>2</sup> масаласи ҳозирги кунда устувор вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифаларни амалга оширишнинг пировард

<sup>1</sup>Рашидов М.К. “Эркин иқтисодий зоналарнинг таснифлаш назарияси”. SERVIS- №4. 2017. – 15-бет.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

мақсадларидан бири, ҳудудларда туризмни, хусусан экологик туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган. Буларнинг асосий йўналишларидан бири, эркин иқтисодий зонали ҳудудларда ҳам экологик туризмни ривожлантириш асосий устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу туфайли, ҳудудларда, хусусан эркин иқтисодий зонали ҳудудларда ҳам экотуризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сон Фармони, 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3217-сон Қарори, 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5326-сон Фармони, 2018 йил 6 февралдаги “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3509-сон, 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сон, 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4095-сон Қарорлари қабул қилинди. Шунингдек, эркин иқтисодий зоналар бўйича ҳам фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг 14 та ҳудудида эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатмоқда. Юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаммаси экологик туризмни, хусусан эркин иқтисодий зонали ҳудудларда ҳам ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Экологик туризмни ривожлантириш муаммолари билан боғлиқ масалалар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларидаги олимлар, жумладан: Ф.Котлер, Боуэн Дж., Мейкенс Дж., Уокер Дж. кабиларнинг илмий ишларида,<sup>3</sup> МДХ мамлакатлари олимларидан В.С.Сенин, М.Б.Биржаков, В.С.Боголюбов, В.П.Орловская, С.А.Быстров, Ю.Ф.Волков, М.Г.Воронцова, А.Севастьянова,

---

<sup>3</sup> Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенс Дж. Маркетинг. Гостеприимство и туризм. / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ, 1998., Уокер Дж. Введение в гостеприимство. Учеб. Пособие / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ, 1999.,

А.Д.Чудновский, Т.Т.Христов, В.Г.Федцов, А.Дурович кабиларнинг<sup>4</sup> асарларида қараб чиқилган.

Мамлакатимиз олимларидан Н.Т.Тухлиев, И.С.Тухлиев, М.Қ.Пардаев, А.С.Солиев, Б.Х.Тўраев, М.М.Мухаммедов, М.Р.Усмонов, Д.К.Усманова, М.Т.Алимова, Қ.Х.Абдурахманов, Е.В.Голишева, Н.Э.Ибадуллаев, О.Х.Ҳамидов, М.Хошимов, А.Н.Норчаев<sup>5</sup> кабиларнинг илмий изланишларида туризмни, унинг таркибий қисми бўлган экологик туризмни ривожлантириш ва бошқаришининг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда эркин иқтисодий зонали ҳудудларда экологик туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалалари илмий-назарий ва методологик жиҳатдан қисман ёритиб берилган. Мазкур ҳолат ушбу диссертация мавзусини танлаш, тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари” мавзусидаги 2016-2020 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади.

**Тадқиқотнинг мақсади** эркин иқтисодий зонали ҳудудларда экологик туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

---

<sup>4</sup> Биржаков М.Б. Введение в туризм. - М-СПб.: Невский фонд, 2005.- 387 с., Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма. - М.:2005. - 151 с., Быстров С.А., Воронцова М.Г. Туризм: макроэкономика и микроэкономика. - СПб.: Издательский дом “Герда”, 2008. - 464 с., Волков Ю.Ф. Гостиничный и туристский бизнес. Изд. 2-е. - Ростов н/Д.: Феникс, 2009. - 637 с., Севастьянова С.А. Региональное планирование развития туризма и гостиничного хозяйства. Учеб. пособ.- М.: КНОРУС, 2007. - 256 с., Сенин В.С. Организация международного туризма. - М.: «Финансы и статистика» 2004, - 379 с., Чудновский А.Д. Управление индустрии туризма России в современных условиях: учеб. пособ. - М.: КНОРУС, 2007. - 416 с., Христов Т. Т. Религиозный туризм: учеб. пособ. — 3-е изд., испр. — М.: Издательский центр «Академия», 2007. -288 с., Федцов В.Г. Культура гостинично-туристического сервиса: учебное пособие. - Ростов н/Д : Феникс, 2008. - 503 с., Дурович А.П. Маркетинговые исследования в туризме: Учебное пособие. - СПб.: Питер, 2008. - 384 б., Дурович А.П. Организация туризме. - СПб.: Питер, 2009. - 320 б.

<sup>5</sup> Норчаев.А.Н. “Халқаро туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири”. Иқтисод фан. номзоди дис. автореферати.-Т.: ТДИУ, 2004 й. - 25 б., Тураев Б.Х. Теоретико-методологические основы развития туризма. -Т.: изд. «Фан», 2008. —166 с., Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Маърузалар курси. - Самарқанд, СамИСИ - 2006., Солиев А.С., Усмонов М.Р. Туризм географияси. - Самарқанд, СамДУ, 2005. -131 б., Тухлиев И.С. ва бошқалар. Туризм асослари: Ўқув кўлланма - Самарқанд, СамИСИ, 2010- 247 б., Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в Республике Узбекистана. - Т: ГНИ «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2006. - 368 с., Мухаммедов М.М., Рахматов Ф. Туризм соҳасида бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг тармоқ самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири. Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд, 2007, 4-7 сентябр., Усмонов М.Р. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида). География фан. номзоди дис. автореферати. - Т.: ЎзМУ, 2003. - 25 б., Усманова Д.К. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития. Иқтисод фан. номзоди дис. автореферати. - Самарқанд, СамИСИ, 2009. - 25 б., Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Докторлик диссертацияси автореферати. Самарқанд: СамИСИ, 2017. - 96 б. Хошимов М.А. Религиозные памятники Центральной Азии. - Алматы. САГА, 2001. -237 с.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

эркин иқтисодий зонали ҳудудларда экологик туризмнинг ўзига хос хусусиятларини асослаш ва унинг вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини кўрсатиб бериш;

эркин иқтисодий зонали ҳудудларда экологик туризмни ривожлантиришнинг назарий масалаларини тадқиқ қилиш, қўриқланадиган жойлардан экологик туризмда фойдаланиш тартиби, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳамда умумий туризмга нисбатан ўзига хос хусусиятларига аниқлик киритиш ва ушбу таклифларни ўқув адабиётига киритиш;

туристик объектларни диверсификация қилишга қаратилган экологик туризмнинг таснифий белгиларини такомиллаштириш ва унинг мақсади бўйича тўртта гуруҳдан иборат таснифини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш;

экологик туристик объектлар илмий туризм, рекреацион ва экзотик зоналар ҳамда саргузаштли туризм йўналишлари ҳисобидан диверсификация қилиш ва улардан экологик туризмни ривожлантиришда фойдаланиш йўллари кўрсатиб бериш;

эркин иқтисодий зонали ҳудудда экотуристлар сонининг ўзгаришига мультипликатив модел асосида вилоят аҳолисининг сони, умумий туристлар таркибида экологик туристларнинг ҳиссаси, битта экотуристик ходимга тўғри келадиган туристлар сони, 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган экологик туризм билан шуғулланадиган ходимлар сони билан боғлиқ омиллар таъсирини аниқлаш йўллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

Навоий вилоятида экологик туризмни ривожлантиришнинг кўп омилли карреляцион моделидан фойдаланган ҳолда 2019-2022 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

Навоий вилоятида эркин иқтисодий зонанинг шаклланиши ва ривожланиши натижасида экологик туризмни ривожлантириш учун қулай имконият очиб берилганлигидан фойдаланиб, улардан экологик туризмни ривожлантириш йўллари кўрсатиб бериш;

Навоий вилоятининг экологик туристик ресурслари ва уларнинг тавсифини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиб, янги таснифини ишлаб чиқиш, улардан эркин иқтисодий зонада банд бўлган ходимлар учун “Меҳмон уйларини” ташкил этиб, фойдаланиш йўллари асослаб бериш;

Навоий вилоятида экологик туризмни ривожлантиришнинг SWOT таҳлилини ишлаб чиқиш, уни ривожлантиришнинг кучли, заиф томонлари, имкониятлари ва таҳдидлари аниқланган ҳамда улардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб бериш кабилардан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида эркин иқтисодий зонали ҳудуд бўлган Навоий вилояти ва унда жойлашган туристик ташкилотлар ҳамда экологик ресурслар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, эркин иқтисодий зонали Навоий вилоятида экологик туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, замон ва макон, тизимли ёндашув каби услублардан, натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлганда иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларида, улар ўртасидаги боғлиқлик стахостик бўлганда иқтисодий-математик ва статистик усуллардан ҳам фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Навоий вилоятида экологик туризмни ривожлантириш мақсадида экотуристлик объектларни экзотик зоналар ва саргузаштли туризм, маданий ва ижтимоий қадриятлар туризми, рекреацион ва агротуризм йўналишлари ҳисобидан кенгайтирилиши асосланган;

эркин иқтисодий зонали ҳудудда экотуризмга таъсир қилувчи туризмда бандлик билан боғлиқ омиллар таъсирини иқтисодий таҳлилнинг анъанавий методи ва мультипликатив моделини қўллаб аниқлаш усули такомиллаштирилган;

экотуризмда туристлар оқимининг камлиги ва туристик объектларнинг коммунал хизматлардан узоқлигини инобатга олиб, туристларни жойлаштириш учун муқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда «Меҳмон уйлари»ни ташкил этиш асосланган;

Навоий вилоятида экологик туризмни стратегик ривожлантиришнинг 2019-2022 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эркин иқтисодий зонали ҳудудларда экологик туризмни ривожлантиришнинг назарий масалалари тадқиқ қилиниб, қўриқланадиган жойлардан экологик туризмда фойдаланиш тартиби, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳамда умумий туризмга нисбатан ўзига хос хусусиятлари ва унинг вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни очиқ берилган;

Навоий вилоятида эркин иқтисодий зонанинг шаклланиши ва ривожланиши натижасида экологик туризмни ривожлантириш учун қулай имконият очиқ берилганлиги ва ундан экологик туризмда фойдаланиш йўллари асосланган;

Навоий вилоятининг экологик туристик ресурслари ва уларнинг янги тавсифи келтирилган, улардан эркин иқтисодий зонада банд ходимлар учун «Меҳмон уйлари»ни ташкил этиб, фойдаланиш йўллари асосланган;

Навоий вилоятида экологик туризмни ривожлантиришнинг SWOT таҳлили ишлаб чиқилган, уни ривожлантиришнинг кучли ва заиф томонлари, имкониятлари ва таҳдидлари аниқланган ҳамда улардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган;

туристик объектларни диверсификация қилишга қаратилган экологик туризмнинг таснифий белгилари такомиллаштирилган ва унинг мақсади бўйича тўртта гуруҳдан иборат таснифи амалиётга ва ўқув жараёнига жорий этиш таклифи асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг

апробациядан ўтказилганлиги, муайян илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, ишда келтирилган хулоса ва натижаларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экологик туризмнинг умумлаштирилган таърифи ва унинг таснифи ишлаб чиқилганлиги, экологик туризмни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, экологик туризмни ривожлантириш бўйича олинган илмий хулосалар ва натижалардан экологик туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришда, экологик туризмни ривожлантиришни илмий жиҳатдан тадқиқ қилишда, соҳага оид турли асарлар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти экологик туризмни ривожлантиришни самарали ташкил этиш, туристлар сонини кўпайтириш ҳамда экологик туризмни ривожлантириш, Навоий ЭИЗда меҳнат қилувчи ва унга ташриф буюрувчи чет эл фуқароларини юртимизнинг сўлим гўшалари билан таништириш, вилоятда ички туризмни ривожлантириш, унинг туристик салоҳиятидан (тарихий, маданий, экологик, агро, яйлов, чўл, каби) самарали фойдаланиш, миллий урф-одатлар сингдирилган туризм инфратузилмасини такомиллаштириш, соҳани 2019-2022 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Эркин иқтисодий зонали ҳудудларда экологик туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган амалий таклифлар ва тавсиялар асосида:

Навоий вилоятида экологик туризмни ривожлантириш мақсадида экотуристлик объектларни экзотик зоналар ва саргузаштли туризм, маданий ва ижтимоий қадриятлар туризми, рекреацион ва агротуризм йўналишлари ҳисобидан кенгайтирилиши Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси фаолиятида фойдаланиши учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 21 майдаги 01-05-428-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсия амалиётга жорий қилиниши Навоий вилоятида экотуристлик объектларни диверсификация қилиш ва улардан экологик туризмни ривожлантиришда асос бўлиб хизмат қилган;

эркин иқтисодий зонали ҳудудда экотуризмга таъсир қилувчи туризмда бандлик билан боғлиқ омиллар таъсирини иқтисодий таҳлилнинг анъанавий методи ва мультипликатив моделидан фойдаланган ҳолда аниқлаш усули, Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси фаолиятида фойдаланиши учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 21 майдаги 01-05-428-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянинг амалиётга жорий қилиниши натижасида экотуристлар сонининг кўпайиши билан

боғлиқ ички имкониятлар аниқланган ва улардан фойдаланиш бўйича илмий асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишда асос бўлиб хизмат қилган;

экотуризмда туристлар оқимининг камлиги ва туристик объектларнинг коммунал хизматлардан узоқлигини инобатга олиб, туристларни жойлаштириш учун муқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда «Меҳмон уйлари»ни ташкил этиш бўйича асосланган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 21 майдаги 01-05-428-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянинг амалиётга жорий қилиниши экотуристлар сонининг кўпайиши билан боғлиқ бўлган ички имкониятлардан фойдаланиш йўллариغا аниқлик киритилган;

Навоий вилоятида экологик туризмни ривожлантиришнинг 2019-2022 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси фаолиятида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 21 майдаги 01-05-428-сонли маълумотномаси). Прогноз кўрсаткичи натижасида 2019-2022 йилларда Навоий вилоятига ташриф буюрувчи экотуристлар сони 2018 йилга нисбатан 55,7 фоизга оширилиши аниқланган. Ушбу тавсия соҳада туризм инфратузилмасини ривожлантириш йўналишларини белгилаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 27 та, жумладан, 5 та халқаро, 22 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш, жумладан, 1 та яқка муаллифликда, 2 та ҳаммуаллифликда монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шулардан 3 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда ҳамда 34 та илмий-амалий конференцияларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 149 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги,

илмий ва амалий натижаси, натижаларнинг ишончилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Экологик туризмнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва унинг назарий масалалари**” деб номланиб унда экологик туризмнинг таърифи ва турлари бўйича халқаро ташкилотлар, олимлар қарашлари экологик туризмни таснифи, имкониятлари кўриб чиқилиб, ўзига хос хусусиятлари баён қилинган. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси туризмга таърифлари ўрганилиб, ижтимоий-иқтисодий масалаларни амалга оширилиши ёрдамида экологик муаммоларни ҳал қилиш кўриб чиқилган. “Экологик туризм” таърифи мазмуни илмий-назарий асосланган. “Экологик туризм” деганда табиий, маданий ва ижтимоий қадриятларни кўриш, томоша қилиш, илмий жиҳатдан ўрганиш, уларнинг бетакрор жозибаси ва ўзига хос томонларидан завқ олиш мақсадида табиат ҳудудларига зиён етказмасдан, атроф-муҳитни муҳофаза қилган ҳолда саёҳат ва саргузашт қилиш орқали табиатга кўмаклашиш, маҳаллий халқнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилашга қаратилган туризмнинг турига айтилиши тушунтирилган. Навоий вилоятининг туристик салоҳияти, унда экологик туризмнинг ўрни ва турлари баён қилинган.

Вилоятнинг туристик салоҳиятини баҳолаш учун “салоҳият” сўзининг маъноси аниқлаб олинган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ушбу сўзларнинг маъносига чуқур етиб бориш учун “салоҳият”<sup>6</sup> ва “потенциал”<sup>7</sup> сўзлари келтирилган. “Салоҳият” сўзига юқорида келтирилган луғатда “яроқлилиқ, ваколат, ҳуқумдорлик, тўлиқ ҳокимият, қобилият, иқтидор”<sup>8</sup> деган нисбатлар берилган. Ушбу луғатда “потенциал” сўзи икки марта келтирилган ва биринчисига қуйидаги изоҳ берилган “куч, қувват - электр ёки магнит майдонининг маълум нуқтадаги ҳолатини белгилайдиган миқдор, катталиқ”. Иккинчи ҳолатда “салоҳият”, деб синоним сифатида изоҳлаб берилган: “Бирон-бир жиҳатдан имкониятлар, куч-қудрат даражаси фойдаланиши мумкин бўлган воситалар, имкониятлар мажмуи”.<sup>9</sup> Бизнинг тадқиқотларимизда “фойдаланиши мумкин бўлган воситалар, имкониятлар мажмуи” деган қисми тўғри келиши тушунтирилган. Шундан келиб чиқиб, “потенциал” тушунчасига илмий изоҳ берилар экан, бу Навоий вилоятининг туристик салоҳияти (потенциали) деганда туризмда қўлланилиши ёки фойдаланиши мумкин бўлган воситалар, яъни туристик объектлар, туристик ресурслар ва имкониятлар мажмуини англатади.

<sup>6</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортик сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш, Н-тартибли / таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқалар. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006. – 301 ва 432 бет.

<sup>7</sup> Ўша жойда. - 301 бет.

<sup>8</sup> Ўша жойда – 432 бет.

<sup>9</sup> Ўша жойда. - 301 бет.

Туризм тизимида экологик туризмнинг ўз ўрни мавжуд. Бу айниқса Навоий вилояти учун жуда аҳамиятлидир. Мазкур ҳудудда дашти-чўллар билан бирга тоғлар, гўзал манзарали ҳудудлар, азиз авлиё ва мутафаккирлар қадамжолари, кўпгина фойдали қазилмалар, ўзига хос аҳоли қатлами мавжудлиги баён этилган. Экологик туризмни тўғри англаш учун унинг турларини аниқлаб олиш лозимлигидан келиб чиқиб, Навоий вилоятида экологик туризмнинг мақсади бўйича таснифланди. Ушбу белгиси бўйича экологик туризмнинг қуйидаги хусусиятлари аниқланди (1-расм).



**1-расм. Экологик туризмнинг таснифланиш белгилари<sup>10</sup>**

Экологик туризмнинг мақсади бўйича таснифининг турлари ва уларнинг мазмуни ўрганилиб, расмда келтирилган экологик туризмнинг турлари шартли равишда тўрт гуруҳга бўлинган. Илмий туризм, маданий ва ижтимоий қадриятлар туризми, саргузаштли туризм ҳамда табиат туризми бўлиб, улар бир-бири билан узвий боғлиқлиги таҳлил қилинган. Экологик туризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти баён қилиниб ижобий ва салбий томонлари таҳлил қилинди (1-жадвал).

<sup>10</sup> Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Экологик туризмни диверсификация қилиш мақсади бўйича  
таснифининг турлари ва уларнинг мазмуни<sup>11</sup>**

<b>Экологик туризмнинг турлари</b>	<b>Экологик туризм турларининг мазмуни</b>
<b>Саргузаштли туризм</b>	
Спорт ва соғломлаштиришга қаратилган	Бу турли спорт мусобақаларини ташкил қилиш орқали, мамлакат миқёсида спортнинг турли йўналишлари бўйича чемпионатларга, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” каби оммавий спорт мусобақаларига иштирок этиш орқали амалга ошириладиган туризм
Ихтисослашган саёхатларга қаратилган	Алпинизм, қояга тирмашиб чиқиш, музликларни забт этиш, ғорларга саёхат, отда сайр қилиш кабилар билан боғлиқ туризм
<b>Рекреацион туризм</b>	
Табиатга саёхат қилиш мақсадида	Аксарият ҳолларда одамларнинг таътил пайтида, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ва шу даврда саломатлигини ҳамда кучини тиклашга қаратилган табиатга ошуфта туризм
Экзотик мақсадида	Туристларнинг ғаройиб нарсаларни кўришга, табиатнинг бетакрор гўзалликларини, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, урф-одатларини, шу ҳудудда тайёрланадиган овқатларини кўриш ва баҳраманд бўлиш мақсадида қаратилган туризм
<b>Маданий ва ижтимоий қадриятлар туризми</b>	
Хизмат юзасидан	Кўпинча экологик туристик объектлар мавжуд жойларга хизмат сафарига юборилиши билан боғлиқ ва ушбу объектларни бевосита ўрганиш мақсадларига қаратилган туризм
Қариндошларни кўришга қаратилган	Шаҳарда яшовчиларнинг ота-онаси ва бошқа яқинлари қишлоқда яшайдиган бўлса, уларни кўриш учун қишлоққа, агар қариндош-уруғлар турли ҳудудларда истиқомат қиладиган бўлса, уларнинг бир-бирини кўриши учун бир жойдан иккинчи жойга бориши билан боғлиқ туризм
Диний зиёрат мақсадида	Туризмнинг ўта қадимий шакли бўлиб, ҳозирги пайтда ички туризм даражасидан халқаро туризм даражага кўтарилган турли муқаддас жойларни зиёрат қилиш билан боғлиқ туризм
<b>Экологик муҳитни ўрганишга қаратилган илмий туризм</b>	
Билиш, ўрганишга қаратилган	Табиатни ва бошқа экологик туризм объектларини билишга, бир вақтнинг ўзида дам олиш ва тегишли тарзда завқланишга қаратилган туризм
Ўқувни амалга оширишга қаратилган	Билимини оширишга, асосан ўқув муассасалари томонидан ташкил қилинадиган, табиатни ўрганишга, табиат билан жонли мулоқот қилишга қаратилган туризм

Экологик туризмни ривожлантиришда атроф-муҳитга маълум даражада зарар тегиши мумкин. Шу туфайли экологик туризмни ривожлантиришни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан бирга қўшиб олиб бориш лозим деб

<sup>11</sup> Тадқиқот натижаси муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

топилди. Экологик туризмнинг атроф-муҳитга салбий оқибатларини бартараф қилишнинг бевосита ва билвосита йўллари таҳлил қилинди. Экологик туризмни ривожлантиришнинг концептуал асосларини ва йўналишларини ишлаб чиқиш учун унинг ўзига хос хусусиятлари аниқланиб, экологик туризмнинг умумий туризмга нисбатан хусусиятлари солиштирилиб бир тизмга келтирилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Экологик туризмнинг умумий туризмга нисбатан хусусиятлари<sup>12</sup>**

<b>Умумий туризмдаги ҳолат</b>	<b>Экологик туризмнинг ўзига хос хусусиятлари</b>
1. Умумий туризмдаги туристик жараёнда барча туристик объектлар иштирок этади	Экологик туризмдаги туристик жараёнга фақат экологик туристик объектлар иштирок этади
2. Туристлик объектлар (ресурслар) аксарият ҳолларда инсонлар томонидан барпо қилинган бўлади	Туристлик объектлар (ресурслар) асосан табиатнинг неъматини бўлиб ҳисобланади
3. Умумий туризмда турист шаҳарларда, тарихий обидалар, маданий мерослар жойлашган жойларда бўлади	Экологик туризмда турист табиат қўйнида бўлади ва табиатдан завқланиш билан бирга, уни ўрганиб боради
4. Турист саёҳат давомида режалаштирилган туристик маршрутга киритилган объектларни кўришга муяссар бўлади	Турист саёҳат давомида қутилмаган ёввойи ўсимликлар, ҳайвонлар дунёси билан тўқнашади, табиат тўғрисидаги тасавури кенгайди
5. Умумий туризмда турист туристик маршрутга киритилган барча жойларда (шаҳар, қишлоқ, чўл, тоғ каби ҳудудларда) бўлади	Экологик туризм асосан қишлоқ ва тоғ ҳудудларида амалга оширилади, табиат ва инсон муносабатининг уйғунлиги таъминланади
6. Умумий туризмда туристик объект сифатида ҳудуддаги барча туристик ресурслар, маҳаллий аҳолининг умумий яшаш тарзи, урф-одатлари иштирок этади	Экологик туристик объект сифатида асосан табиат, маҳаллий аҳолининг этнографик маданияти ва урф-одатлари, уларнинг яшаш тарзи қаралади
7. Умумий туризмда туристларнинг табиат билан муносабати ва табиатга таъсири бўлмаслиги мумкин	Экологик туризм орқали табиат муҳофазаси бевосита ва билвосита таъминланади ва унинг барча компонентлари сақланади ва яхшиланади

<sup>12</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

## 2-жадвал давоми

8. Умумий туризмда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг яшаш даражаси ўнгланади ва маҳаллий иқтисодиёт ривожланади.	Экологик туризм орқали асосан қишлоқ аҳолисининг яшаш даражаси яхши-ланади ва маҳаллий иқтисодиёт ривожланади
9. Умумий туризмдан тушган маблағ (даромад)ларнинг асосий қисми туристик фирмалар фаолиятини ўнглашга кетади	Экологик туризмдан тушган маблағлар (даромадлар)нинг бир қисми туристик фирмалар учун сарфланса, бир қисми атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ишлатилади
10. Умумий туризмда хавф-хатарнинг камлиги, чунки олдиндан режалаштирилган туристик маршрутларда бу ҳолатнинг таъминланган бўлади	Экологик туризмда хавф-хатарнинг мавжудлиги, чунки олдиндан режалаштирилган туристик маршрутларда турли ҳодисаларнинг содир бўлиши, йиртқич ҳайвонларга дуч келиши, жала, чакмоқ каби табиий офатларнинг рўй бериши кабилар
11. Умумий туризмда туристлардан алоҳида малаканинг ҳамиша талаб қилмаслик ҳолларининг мавжудлиги	Экологик туризмда туристлардан айрим ҳолларда алоҳида малаканинг талаб қилиниши. Тоғ чўққиларини забт этиш учун ундан алпинизмни, ғор туризми учун алоҳида шунга мос малакани, тоғ-да чанғи учуш учун тегишли тажриба-нинг мавжуд бўлишлигидир

Илмий ишда Навоий вилоятининг экологик туристик ресурслари жуда кўп, ўрганилган ва ўрганилмаган экотуризмга мўлжалланган 200 дан ортиқ туристик ресурслар мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланиш ва соҳани ривожлантириш омили бўлиб хизмат қилиниши ёзилган. Бу ресурслар вилоятнинг барча туманларида бор. Буларнинг ҳаммаси вилоятда экологик туризмни ривожлантириш учун катта имконият эканлиги асосланган. Навоий вилоятида туризмни, шу жумладан экологик туризмни ривожлантириш учун тегишли инфра тузилмалар талаб даражасида бўлмоғи лозим. Улардан бири ва энг муҳими меҳмонхоналардир (3-жадвал).

Кўриниб турибдики, Навоий вилоятидаги мавжуд меҳмонхоналарнинг умумий қуввати 1566 ўринни ташкил қилади. Уларнинг асосий қисми, яъни 72,4 % ( $21 \cdot 100 / 29$ ) 2018 йилга қадар қурилган. Буларнинг 13,2 % ( $208 : 1566 \cdot 100$ ) 2006 йилда ишга туширилган. 2,5 % ( $40 : 1566 \cdot 100$ ) 2008 йилда, 6,3 % ( $100 : 1566 \cdot 100$ ) 2010 йилда ва уларнинг асосий қисми, яъни 16,4 % ( $258 : 1566 \cdot 100$ ) 2011 йилдан бошлаб фаолият кўрсатмоқда. Агар ушбу меҳмонхоналар тўлиқ қувват билан ишласа, бир вақтнинг ўзида 1566 нафар меҳмонни қабул қила олади. Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, асосий туристлар келиб биринчи жойлашадиган жой Навоий шаҳрига тўғри келадиган бўлса, бу ерда камида 1000 ўринга (қувватга) эга бўлган, меҳмонхоналар мавжуд бўлиши керак. Таъкидлаш жоизки, 2011-2015 йиллар давомида меҳмонхоналар асосан 4 юлдузли статусга мос қилиб қурилган. Бу меҳмонхоналар барча қулайликлар билан жаҳон андозалари даражасида

Навоий шаҳрида 2018 йилда фаолият кўрсатаётган меҳмонхоналар ва уларнинг қуввати<sup>13</sup>

Т/р	Меҳмонхоналарнинг номи	Мавқеи	Қув- вати, ўрни	Фаолия- тини бошлаган вақти, йил
<b>2005 йилгача қурилган меҳмонхоналар</b>				
1	“Yoshlik” меҳмонхонаси	4 юлдузли	101	1984
2	“Sputnik navoi” хусусий корхонаси	3 юлдузли	65	1989
3	“GULMIRA-K” хусусий корхонаси	3 юлдузли	60	2000
<b>2006-2010 йилларда қурилган меҳмонхоналар</b>				
4	“Ёшлик” меҳмонхонаси	2 юлдузли	50	2006
5	“Навоий” меҳмонхонаси	2 юлдузли	158	2006
6	“Туркистон” меҳмонхонаси	2 юлдузли	120	2006
7	“Камила” меҳмонхонаси	3 юлдузли	40	2008
8	“Trayding service” меҳмонхонаси	4 юлдузли	65	2009
9	“Qizilqum safari” фирмаси	3 юлдузли	40	2009
10	“Silk Road Palase” меҳмонхонаси	4 юлдузли	60	2010
11	“Регистон” меҳмонхонаси	2 юлдузли	57	2010
<b>2011-2015 йилларда қурилган меҳмонхоналар</b>				
12	“Zarafshon-grant” МЧЖ	4 юлдузли	208	2011
13	“Гранд-М” меҳмонхонаси	4 юлдузли	50	2011
14	“Qizilqum baxt baraka” МЧЖ	3 юлдузли	45	2011
15	“Torgovaya firma partiya” меҳмонхонаси	4 юлдузли	21	2011
16	Uzbekistan For You МЧЖ	2 юлдузли	40	2011
17	"Navoiy Texno Planet" МЧЖ	4 юлдузли	21	2012
18	“Omad biznes Zarafshon” МЧЖ	4 юлдузли	116	2014
19	“Халқаро ҳамкорлик маркази” Навоий филиали	4 юлдузли	110	2014
20	“Кармана Само юлдузи” МЧЖ	2 юлдузли	38	2014
21	“Golden safari” МЧЖ	2 юлдузли	25	2014
22	“Тибтехника” МЧЖ	2 юлдузли	37	2015
23	“Hanjun Central Asia” МЧЖ	4 юлдузли	51	2015
24	“Hostel Karmana” оилавий корхонаси	2 юлдузли	38	2015
<b>2016-2018 йилларда қурилган меҳмонхоналар</b>				
25	“Usto Istam” “Шердор” меҳмонхонаси		50	2017
<b>Жами</b>		<b>X</b>	<b>1566</b>	

<sup>13</sup>Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси .

хорижий меҳмонларга мўлжалланган. Бу эркин иқтисодий зонали Навоий вилояти худуди учун ўта муҳимдир.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Навоий вилоятида эркин иқти-содий зонанинг шаклланиши ва унда экологик туризмнинг ҳолатини таҳлил қилиш йўллари**”га бағишланган. Мазкур бобда Навоий вилоятида эркин иқтисодий зонанинг шаклланиши туризмни ривожлантириш учун асосий омил эканлиги, вилоятнинг экологик туристик ресурслари, улардан самарали фойдаланиш ва соҳани ривожлантириш омиллари, вилоятда экологик туризмнинг ҳолати ва уни ривожлантиришнинг SWOT таҳлилига бағишланган. Мазкур вилоятда ҳозирги кунда амал қилаётган туристик маршрутлар таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг асосий қисми Самарқанд ва Бухородан, айрим ҳолларда Тошкент шаҳридан бошланади. Демак, вилоятга келадиган туристларни шу шаҳарлардаги туристик фирмалар шакллантиради ва мос равишда, даромади ҳам уларнинг ҳисобига ўтказилади. Бу ҳолатни қуйидаги маълумотлар орқали ҳам тушуниш мумкин (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Навоий вилоятида амалдаги туристик маршрутлар ва уларнинг муддатлари<sup>14</sup>

Т/р	Туристик маршрутларнинг номлари	Туристик маршрутлар муддати	Тунаш жойи
1.	Бухоро – Сармишсой – Нурота (Чашма)	1 кун	Бухоро шаҳрида: Меҳмонхона
2.	Бухоро – Сармишсой – Нурота (Чашма) - Айдаркўл	2 кун	Бухоро шаҳрида: Меҳмонхона Навоий вил: Ўтов
3.	Самарқанд – Сармишсой – Нурота (Чашма)	1 кун	Самарқанд шаҳри: Меҳмонхона
4.	Самарқанд – Сармишсой – Нурота (Чашма) - Айдаркўл	2 кун	Самарқанд шаҳри: Меҳмонхона Навоий вил: Ўтов
5.	Фориш – Сентоб – Нурота – Сармишсой – Самарқанд	5 кун	Жиззах вил: Меҳмонхона, Палатка Навоий вил: Ўтов, Миллий меҳмонхона Самарқанд шаҳри: Меҳмонхона
<b>Янги ишлаб чиқилган маршрутлар</b>			
1.	Самарқанд – Фориш – Айдаркўл – Нурота – Бухоро	2 кун	Жиззах вил: Меҳмонхона, Палатка. Навоий вил: Ўтов
2.	Самарқанд – Кармана – Сармишсой – Бухоро	2 кун	Навоий вил: меҳмонхона Самарқанд шаҳри: Меҳмонхона
3.	Бухоро – Нурота – Лангар – Сангижумон – Сармишсой – Самарқанд	3 кун	Бухоро шаҳрида: Меҳмонхона Навоий вил: меҳмонхона Самарқанд шаҳри: Меҳмонхона

<sup>14</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси .

Кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда вилоятга келадиган туристларнинг маршрутлари асосан бошқа вилоятлардан бошланади ва қисман мазкур вилоятда бўладилар. Масалан, мавжуд 5 та маршрутдан фақат учта ҳолатда вилоят ҳудудида тунайдилар. Қолган пайтда фақат бир ёки икки марта овқатланади, холос. Ушбу ҳолатда туристик хизматлар турларини ва туризмдан нақд пул (валюта) тушумини кўпайтириш жуда мураккаб. Таъкидлаш жоизки, янги ишлаб чиқилган маршрутлар ҳам бошланиши бошқа вилоятларга тўғри келмоқда.

Бизнинг фикримизча барча туристик маршрутларни Навоий вилоятидан бошлаб ишлаб чиқиш лозимдир. Чунки, кенг фаолият кўрсатишни бошлаган “Навоий” ЭИЗда банд бўлган хорижий ва мамлакатимиз фуқаролари ва унга ташриф буюрувчилари туристик маршрутларни Навоий шаҳридан бошлашни тақозо қилади. Бу туризмни ривожлантириш учун катта имконият. Фақат ундан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Навоий вилоятида эркин иқтисодий зонанинг шаклланиши ва унда экологик туризмнинг ҳолатини таҳлил қилишда бевосита экологик туризмга қаратилган инфратузилма диққатга сазовардир. Чунки Конимех ва Нурота туманларида Айдаркўл билан туташ ҳудудларда бир қанча кўналғилар ташкил қилинган. Бу ерда қурилган юрталар, улов сифатида фойдаланишга мўлжалланган туялар, яшашга мўлжалланган жойларнинг миллийлиги кабилар ушбу ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги ишда баён этилган. Булар жумласига қуйидагилар киради (5-жадвал).

**5-жадвал**

**Экотуристлар учун мавжуд яшаш объектлари<sup>15</sup>**

<b>Т/р</b>	<b>Хўжалик юритувчи субъектлар номи</b>	<b>Туристлар дам оладиган объектлар</b>	<b>Мўлжалланганлиги</b>
1.	“АЙДАР-1” сайёҳлик базаси	12 та ўтов	Экстремал ва экотуризм
2.	“АЙДАР-2” сайёҳлик базаси	8 та ўтов	Экстремал ва экотуризм
3.	“КАМЭЛ” сайёҳлик базаси	17 та ўтов	Экстремал ва экотуризм
<b>Жами</b>		<b>37 та ўтов</b>	

Навоий вилоятида Зарафшон арчасини экиб кўпайтириш лозимдир. Табиий ҳолда ушбу арчалар денгиз сатҳидан 260 метрдан 2800 метргача баландликда ўсади. Аммо уни ҳозирги шароитда пастликларга ва турли текисликларга ҳам сунъий равишда мослаштириб ўстирилмоқда. Бунинг афзаллиги шундаки, “бир гектар майдондаги арча дарахти бир йил давомида инсон соғлигига зарар етказувчи микробларни ўлдирувчи 30 тонна фитанцид моддаси ишлаб чиқаради”<sup>16</sup>. Бу кўп саноатли индустриал Навоий вилояти учун катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари арча атмосфера ҳавосини чанг ва

<sup>15</sup>Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

ғуборларни ўзида ютиб қолиш ва инсон учун ўта зарур бўлган кўплаб миқдорда кислород чиқариш хусусиятига ҳам эгадир.

Вилоятнинг чўл ва адирлардан иборат экологик вазият мураккаб бўлган ҳудудларида ўрмон хўжаликларини барпо этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу ўрмон хўжаликларида алоҳида ихоталанган зоналарни ташкил қилиш ва улардан туристик объект сифатида фойдаланиш лозимлиги таклиф этилган. Вилоятнинг ўрмонзорларини ташкил қилиш учун шу ернинг ўзида кўчатчиликни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Маҳаллий шароитда етиштирилган кўчатлар шу ернинг ўзига экилса, муҳит ва иқлимга мослашган бўлади ва тез орада табиатнинг яхшиланиш имконини туғдиради.

Экотуризмда туристлар оқимининг камлиги ва ушбу объектларнинг коммунал хизматлардан узоқда жойлашганлигини инобатга олиб, туристларни жойлаштириш учун Навоий вилоятининг узоқ ҳудудларида муқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда “Меҳмон уйлари”ни ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Бунга асос, Навоий вилоятининг туристик маршрутлари ва манзиллари асосида янги “Сайёҳлик харита”си яратилди. Яратилган маршрутлар Сармишсой дарасининг тоғлик ҳудудларидан ўтганлиги сабабли, спортнинг алпинизм турини ривожлантириш таклиф этилди. Нурота ясси текисликларидан иборат Бухоро – Нурота – Лангар – Сангжумон – Сармишсой – Самарқанд маршрутларидан велоспорт турини ривожлантириш мумкинлиги ҳақида тавсия берилди.

Буларнинг ҳаммаси “Меҳмон уйлари”ни ташкил қилишни ва буларни интернет сайтларига жойлаштириш ва 3-Д ускунаси ёрдамида янги инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш таклифи ишлаб чиқилди. Бу имконияти чекланган кишиларнинг экологик ресурслардан баҳраманд бўлишини ва туристларнинг ушбу объектларга бормасдан тасаввурга эга бўлиш имкониятини беради.

Конимех ва Нурота туманларида Айдаркўл билан туташ ҳудудларда бир қанча қурилган юрталар улов сифатида фойдаланишга мўлжалланган, туяларда сайр қилиш, миллий туризмни ривожлантириш билан бирга доимий пул тушумини таъминлайди. Таклиф этилаётган маршрутлар бўйлаб, Навоий вилояти ҳокимлигининг 2017 йил 12 октябрдаги аҳоли хонадонларида дам олувчилар ва сайёҳлар учун замонавий шароитлар асосида “Меҳмон уйлари”ни ташкил этиш бўйича тадбиркорларга тавсия этилиб, бунинг натижасида, олис чўл ҳудудларида иш ўринлари ташкил этилди. Вилоятда ички туризмни ривожлантириш, унинг туристик салоҳиятидан (тарихий, маданий, экологик каби) самарали фойдаланиш мақсадида туристик маршрутлар бўйича энциклопедик аҳамиятга эга бўлган аудио эшиттирув ва видеофилмларни яратилиши зарурлиги асосланиб, уларни мунтазам равишда вилоят ва республика радиоси, телевиденияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш механизмини яратиш бўйича тавсия берилди.

Навоий вилоятида экологик туризмнинг ҳолати ва уни ривожлантиришнинг SWOT таҳлилида экологик туризмнинг туристик объектлар

---

<sup>16</sup> Кенжаева Д. Тоғлар салтанатининг кўрки. – “Жамият” газетаси, 2011 йил 18 февраль, №7 – 9 б.

жойлашган табиий ҳудудларга ижобий ва салбий таъсири баён этилган. Навоий вилоятида экологик туризмни ривожлантиришнинг SWOT таҳлили натижасида ишлаб чиқилган барча жиҳатларни инобатга олиш ва унда кучли томонларини янада кучайтириш, мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш, заиф томонларига эътиборни қаратиб, вилоятда экологик туризмни ривожлантиришнинг SWOT таҳлили ишлаб чиқилди. Унда соҳа ривожланишининг кучли томонлари (9 та бандда), имкониятлари (9 та бандда), заиф томонлари (13 та бандда) ва турли таҳдидлари ҳам (9 та бандда) қараб чиқилиб, барча бандлари етарли даражада таҳлил қилинди.

Экологик туризмни ривожлантириш учун унга таъсир қилувчи омиллар тизими ишлаб чиқилган. Тадқиқотда, вилоятда экологик туризмни ривожлантириш учун бир қанча омиллар таъсири ўрганилиб чиқилган.

Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- экотуристик ресурсларнинг мавжудлиги;
- экологик туризмни ташкил қилиш даражаси;
- экотуризмни ривожлантиришга турли манбалардан йўналтириладиган (давлат, жамоавий, хусусий, хорижий каби) маблағларнинг мавжудлиги;
- экологик туризмни ривожлантириш учун тегишли инфратузилманинг яратилганлиги;
- маҳаллий аҳолининг ўзига хос бўлган маданий қадриятлари ва яшаш тарзининг асл ҳолда сақланиб қолганлиги;
- экологик туризм бозорининг ривожланиш даражаси.

Ушбу омиллар бир-бири билан узвий боғлиқлиги кўриниб, қуйидагича ифодаланди (2-расм).



2-расм. Экологик туризмга таъсир қилувчи омиллар<sup>17</sup>

<sup>17</sup> Тадқиқот натижаси муаллиф томонидан тузилган.

